

INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2025 / 7



@QMI_Institut



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



www.kstu.uz
www.ojs.qmii.uz

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

3-jild
7-son
dekabr, 2025

December 2025
Volume 3
Number 7

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY
Electronic Scientific and Practical
Journal

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Mas'ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Qarshi davlat texnika universiteti

Texnik muharrir:

F.F.Haqqulov, PhD

Qarshi davlat texnika universiteti

*Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda
jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.*

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi 225-uy

Tel.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

"Innovatsion iqtisodiyot" ilmiy - amaliy
O'zbekiston elektron jurnali ta'lim, fan va
innovatsiyalar Respublikasi Oliy vazirligi
huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi**
rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli
qarori bilan milliy ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

**Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar
nashr etiladi:**

1. Raqamli iqtisodiyot
2. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
3. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
4. Inson kapitali iqtisodiyoti
5. Menejment va marketing
6. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
7. Moliya, kredit va investitsiya
8. Ekonometrika va statistika
9. Xizmat ko'rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

*Ovchinikov Viktor Nikolayevich - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal
Universitet, Rossiya)*

Solodovnikov Sergiy Yurevich - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Sidorov Viktor Aleksandrovich - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

*Kusainov Xalel Xaymullievich - i.f.d., professor, akademik (Qozog'iston Respublikasi
Milliy fanlar akademiyasi)*

*Samandarzoda Iskandar Hakim - Iqtisodiyot fanlari doktori (Sh.Shotemur nomidagi
Tojikiston agrar universiteti)*

*Gibadullin Artur Arturovich - i.f.n. dotsent (Milliy tadqiqot universiteti, Moskva
energetika instituti, Rossiya)*

*Sergey Aleksandrovich Voynash - ilmiy xodim (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar
do'stligi universiteti)*

*Valentina Nikolayevna Pulyayeva - iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya
Federatsiyasi hukumati qoshidagi Moliya universiteti)*

*Dmitriy Evgenievich Morkovkin, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Moliya universiteti,
Rossiya Federatsiyasi hukumati)*

*Sadriddinov Manuchehr Islomiddinovich - i.f.d., professor, (Tojikiston Respublikasi
Milliy fanlar Akademiyasi)*

*Perskaya Viktoriya Vadimovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Molchanov Igor Nikolayevich - i.f.d., professor, (Lomonosov nomidagi Moskva davlat
universiteti)*

*Basova Mariya Mixaylovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Aleksandr Leonidovich Chupin, iqtisod fanlari nomzodi (P.Lumumbi nomidagi
Rossiya xalqlar do'stligi universiteti)*

*Nezamaykin Valeriy Nikolayevich - i.f.d., professor, (Rossiya davlat gumanitar
universiteti)*

*Nikonorova Alla Vladimirovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Dmitriyeva Olga Aleksandrovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Shvets Yuriy Yuryevich - i.f.n., dotsent, (Rossiya Fanlar akademiyasining Nazarot
fanlari instituti)*

*Kolosova Yelena Valeryevna - i.f.n., dotsent, (Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot
universiteti)*

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo'raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Yakubova Shamshinur Shuxratovna - Iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich - i.f.f.d. (PhD), dotsent

Muxammadiyeva Yulduz Yusupovna - i.f.f.d. (PhD)

Tursunova Aziza Xoshimovna - i.f.f.d. (PhD)

Xolliyev Sherali Baxtiyorovich - i.f.f.d. (PhD)

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

ojs.qmii.uz

Ўзбекистонда акциялар бозорини ривожлантиришда ESOP нинг зарурати

Аликулов Азамат Туйгунович, Гуллиева Файёза Баҳром қизи

Необходимость ESOP в развитии рынка акций в Узбекистане

Аликулов Азамат Туйгунович, Гуллиева Файёза Баҳром қизи

The necessity of ESOP in the development of the stock market in Uzbekistan

Alikulov Azamat Tuygunovich, Gullieva Fayozaxrom kizi

Received: December 11, 2025 Revised: December 16, 2025

■ Accepted: December 19, 2025 ■ Published Online: December 30, 2025

- **Аннотация:** Ушбу илмий мақолада Ўзбекистонда акциялар бозорини ривожлантиришда ESOP (Employee Stock Ownership Plan — ходимларни акцияларга эгалик қилиш режаси)ни жорий этишнинг иқтисодий ва институционал аҳамияти таҳлил қилинган. Тадқиқот ESOP механизмларининг корпоратив бошқарув сифатини ошириш, акциялар бозори ликвидлигини яхшилаш ҳамда аҳолининг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришдаги ўрнини аниқлашга қаратилган. Мақолада таҳлилий ва қиёсий усуллардан фойдаланилиб, хорижий тажриба ҳамда миллий капитал бозори шароити асосида хулосалар чиқарилган.
- **Калит сўзлар:** акциялар бозори, ИПО, СПО, оммавий таклиф, давлат улуши, молиявий натижа, ESOP, корпоратив бошқарув, инвестиция, ходимлар мотивацияси.
- **Аннотация:** В данной научной статье анализируется экономическое и институциональное значение внедрения ESOP (Employee Stock Ownership Plan — план владения акциями работниками) в развитии рынка акций Узбекистана. Исследование направлено на выявление роли механизмов ESOP в повышении качества корпоративного управления, расширении ликвидности рынка акций, а также стимулировании инвестиционной активности населения. В статье используются аналитические и сравнительные методы, на основе зарубежного опыта и условий национального рынка капитала сформулированы соответствующие выводы.
- **Ключевые слова:** рынок акций, IPO, SPO, публичное предложение, государственная доля, финансовый результат, ESOP, корпоративное управление, инвестиции, мотивация работников.
- **Abstract:** This scientific article analyzes the economic and institutional significance of introducing ESOP (Employee Stock Ownership Plan) in the development of the stock market in Uzbekistan. The study aims to identify the role of ESOP mechanisms in improving the quality of corporate governance, expanding stock market liquidity, and stimulating the investment activity of the population. Analytical and comparative methods are applied in the article, and conclusions are drawn based on international experience and the conditions of the national capital market.
- **Keywords:** stock market, IPO, SPO, public offering, state share, financial performance, ESOP, corporate governance, investment, employee motivation.

■ КИРИШ

Жаҳон иқтисодийётида капитал бозорининг барқарор ривожланиши мамлакатнинг инвестицион жозибдорлиги, молиявий барқарорлиги ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, акциялар бозори иқтисодийнинг реал секторини молиялаштиришда, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришда ҳамда аҳолининг жамғармаларини инвестиция жараёнларига жалб этишда муҳим аҳамият касб этади [1].

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, акциялар бозорининг чуқурлиги ва самарадорлиги фақат институционал инвесторлар фаолияти билан эмас, балки аҳолининг кенг қатламларини акциядорлик муносабатларига жалб этиш даражаси билан ҳам белгиланади. [2] Шу нуқтаи назардан, ходимларнинг акцияларга эгалик қилишига асосланган замонавий молиявий механизмлар алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда капитал бозорини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш, корпоратив бошқарув стандартларини жорий этиш ва фонд бозори инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [3]. Бироқ, бозорда ички инвесторлар улушининг пастлиги ва аҳолининг акциялар бозоридаги иштирок даражаси чекланганлигича қолмоқда.

Мазкур шароитда ESOP (Employee Stock Ownership Plan) — ходимларни корхона акцияларига эгалик қилишга жалб этувчи механизм — акциялар бозорини ривожлантиришнинг муҳим институционал воситаси сифатида намоён бўлади. ESOP ходимларнинг меҳнат фаолияти натижаларини корхона қиймати билан боғлаб, уларни узоқ муддатли иқтисодий манфаатдор томонга айлантиради [4].

Ушбу илмий мақоланинг асосий мақсади Ўзбекистон шароитида ESOPни жорий этиш акциялар бозорининг ривожланишига, корпоратив бошқарув сифатининг ошишига ва инвестицион фаолликнинг кенгайишига қандай таъсир кўрсатишини комплекс илмий таҳлил қилишдан иборат.

■ АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Корпоратив бошқарув назарияси доирасида Shleifer ва Vishny (1997) компания қийматини оширишда

самарали корпоратив бошқарув механизмларининг аҳамиятини асослаб берган. Муаллифлар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаштириш капитал бозорининг барқарор ривожини учун асосий шарт эканлигини таъкидлайдилар. Ушбу ёндашув Jensen ва Meckling (1976) томонидан илгари сурилган агентлик назарияси билан узвий боғлиқ бўлиб, унда мулкдорлар ва менежерлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини камайтиришнинг институционал ечимлари таҳлил қилинган.

Ходимларнинг акцияларга эгалик қилиши масаласига бағишланган илмий ишлар ESOP (ёки ESOP) механизмларининг иқтисодий самарадорлигини турли жиҳатлардан ёритади. Kruse ва Blasi (1997) тадқиқотларида ходимларга тегишли акциялар улушининг ортиши меҳнат унумдорлиги, корпоратив содиқлик ва молиявий натижаларга ижобий таъсир кўрсатиши эмпирик жиҳатдан асосланган. Муаллифлар ESOPни фақат ижтимоий механизм эмас, балки стратегик корпоратив бошқарув воситаси сифатида баҳолайдилар. OECD (2019) ҳисоботида ESOP ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик турли мамлакатлар мисолида таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотда институционал муҳит, солиқ сиёсати ва ҳуқуқий инфратузилманинг ESOP самарадорлигига таъсири алоҳида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, давлат томонидан қўллаб-қувватланган ESOP моделлари акциялар бозорининг чуқурлашуви ва ички инвесторлар улушининг ошишига хизмат қилиши таъкидланган.

Европа Иттифоқи доирасидаги тадқиқотлар (European Commission, 2018) ходимларнинг молиявий иштирокини таъминлаш корпоратив барқарорлик ва ижтимоий масъулиятни ошириш омили сифатида баҳолайди. Ушбу ишларда ESOP капитал бозори инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг инвестицион маданиятини шакллантириш ва корпоратив бошқарув стандартларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаши қайд этилган.

Ривожланаётган мамлакатлар нуқтаи назаридан World Bank (2020) ҳисоботларида капитал бозорини ривожлантириш молиявий инклюзия билан бевосита боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Хусусан, аҳолининг иқтисодий фаол қатламларини акциялар бозорига жалб этиш орқали узоқ муддатли инвестиция манбалари кенгайиши таъкидланади. Бу жиҳат ESOP механизмларининг аҳамиятини янада оширади.

Ўзбекистон шароитида капитал бозорини ривожлантириш масалалари миллий тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган. Tuygunovich ва Islamovna (2022) томонидан олиб борилган тадқиқотларда чакана инвесторлар фаоллигига таъсир этувчи омиллар

таҳлил қилиниб, институционал ишонч ва молиявий саводхонлик асосий чекловчи омиллар сифатида кўрсатилган. Бу эса ESOP орқали аҳолининг акциялар бозоридаги иштирокини ошириш имкониятларини илмий жиҳатдан асослайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг корпоратив бошқарувкодекси ва капитал бозорини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари миллий корпоратив муносабатларни халқаро стандартларга мослаштиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларда акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ошқоралик ва ҳисобдорлик тамойиллари белгиланган бўлиб, ESOPни жорий этиш учун институционал асос яратади.

Умуман олганда, мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ESOP корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, акциялар бозорини чуқурлаштириш ва аҳолининг инвестицион фаоллигини

кенгайтиришда муҳим институционал механизм ҳисобланади. Бироқ, унинг самарали амал қилиши миллий қонунчилик, солиқ сиёсати ва корпоратив инфратузилманинг ривожланганлик даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон шароитида ушбу масала комплекс илмий таҳлилни талаб этади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, институционал таҳлил ва мантиқий моделлаштириш — каби усуллар қўлланилди. Шунингдек, маълумот манбалари сифатида илмий мақолалар, халқаро молия институтлари ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда расмий статистик маълумотлардан фойдаланилди.

1-жадвал.

ESOP учун SWOT таҳлил [1]

КУЧЛИ ТОМОНЛАР	ЗАИФ ТОМОНЛАР
Ходимларда эгаллик ҳиссини оширади	Жорий этиш ва бошқариш мураккаб
Ходимларнинг мотивацияси ва содиқлиги кучаяди	Молиявий ва ҳуқуқий харажатлар юқори
Кадрлар алмашинуви камаяди	Ходимлар учун молиявий риск
Компания самарадорлиги ошади	Баҳолаш (валуатион) мураккаб
Узоқ муддатли компания ўсишини рағбатлантиради	Ликвидлик муаммолари бўлиши мумкин
Солиқ имтиёзлари (баъзи мамлакатларда)	Ҳамма ходимлар ҳам тушунмаслиги мумкин
Имкониятлар	Хатарлар
Кучли корпоратив маданият яратиш	Бозор инқирози акциялар қийматини туширади
Энг яхши истеъдодларни жалб қилиш	Қонунчилик ўзгаришлари
Стартап ва тез ўсувчи компаниялар учун қулай	Ходимларнинг ҳаддан ташқари риска боғланиши
Раҳбарият ва ходимлар манфаатларини уйғунлаштириш	Акцияларни қайта сотиб олиш босими
Узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш	Нотўғри бошқарув ишончни йўқотади
Компания молиявий натижаларнинг яхшиланиши	Эски акциядорларнинг улушлари камайиши ҳисобидан уларнинг компанияга муносабати салбийлашиши эҳтимоли

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадикки ESOP тизимининг жорий этилишида ижобий жиҳатлар салмоғи салбийларидан кўраанча юқори. Айниқса, ушбу механизм компания ишчиларининг ишчанлик фаолиятини яхшилайдиган ва тўғридан-тўғри молиявий натижаларнинг яхшиланишига таъсир этади. Бу эса, ўз-ўзидан компания акцияларининг бозор нархларини ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боисдан, ESOP тизимни Ўзбекистонда давлат улушини камайтириш мақсадида амалга ошириладиган SPO си режалаштирилган компанияларда ёки қўшимча ресурслар жалб қилиш учун IPO режалаштираётган компанияларда жорий этиш акциялар бўйича таклифларни қаноатлантирилишида ҳамда акцияларнинг нархларини ижобий ўзгаришида яхши натижалар беради.

Ўтказилган назарий ва институционал таҳлиллар натижасида ESOPнинг акциялар бозори ривожига таъсир этувчи қуйидаги асосий жиҳатлари кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан, ESOP жорий этилган корхоналарда ходимлар акциядор сифатида иштирок этиш натижасида агентлик муаммолари қисқаради, менежмент ва меҳнат жамоаси ўртасида манфаатлар уйғунлиги шаклланади. Бу эса корпоратив қарорлар қабул қилишда шаффофлик ва ҳисобдорликнинг ошишига хизмат қилади [6]. Корпоратив бошқарув самарадорлигининг ошади;

Иккинчидан, Ходимларнинг акцияларга эгалик қилиши уларни доимий ички инвесторлар қатламига айлантиради. Натижада акциялар айланмаси кенгайиб, бозор ликвидлиги ошади ҳамда акциялар нархларининг барқарорлиги таъминланади ҳамда акциялар бозорида ички талабнинг ўсиши кузатилади;

Учинчидан, ESOP орқали аҳолининг иқтисодий фаол қисми акциялар бозори иштирокчисига айланади. Бу эса аҳоли ўртасида узоқ муддатли инвестициялаш, дивиденд сиёсати ва корпоратив қиймат тушунчаларининг шаклланишига хизмат қилади [7]. Натижада инвестицион маданият ва молиявий саводхонликнинг ривожланиши; Тўртинчидан, ходимлар мотивациясининг ортиши меҳнат унумдорлигининг ўсишига, харажатларни оптималлаштиришга ва молиявий натижаларнинг яхшиланишига олиб келади. Бу ҳолат узоқ муддатда корхоналар қийматининг ўсишини таъминлайди. Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлиги ошишида ёрдам беради.

Капитал бозорининг институционал чуқурлашувида ESOPнинг кенг жорий этилиши натижасида акциядорлар сони ортиб, бозор инфратузилмаси ривожланиши учун қўшимча рағбат пайдо бўлади.

Тадқиқот натижалари ESOPни Ўзбекистон акциялар бозорини ривожлантиришда самарали институционал

механизм сифатида баҳолаш имконини беради. Бироқ, уни амалий жиҳатдан жорий этиш қатор иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар билан боғлиқ.

Аввало, ESOPни жорий этиш учун акциядорлик жамиятларида акцияларни ходимларга тақдим этиш, сақлаш ва муомалага киритиш механизмларини аниқ тартибга солувчи ҳуқуқий база зарур. Шунингдек, солиқ имтиёзлари ва молиявий рағбатлар ESOPнинг жозибадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга [8].

Иккинчидан, ESOPни корпоратив бошқарув кодекси билан уйғунлаштириш лозим. Ходим-акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, ахборот ошкоралиги таъминланиши ва корпоратив низоларнинг олдини олиш механизмлари жорий этилиши талаб этилади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ESOP давлат томонидан қўллаб-қувватланган ва институционал жиҳатдан мустаҳкамланган шароитда нафақат алоҳида корхоналар, балки бутун капитал бозори ривожига ижобий таъсир кўрсатади [8]. Ўзбекистонда ҳам ESOPни хусусийлаштириш жараёнлари, IPO ва SPO дастурлари билан уйғун ҳолда жорий этиш мақсадга мувофиқ.

■ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, ESOPни Ўзбекистонда жорий этиш акциялар бозорини ривожлантириш, корпоратив бошқарув сифатини ошириш ва аҳолининг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу механизмни самарали амалга ошириш учун ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий рағбатлар тизимини комплекс равишда ривожлантириш зарур.

Muallif haqida / Сведения об авторе / Author details

1. Аликулов Азамат Тўйгунович Ахборот технологиялари ва менежмент университети «Иқтисодиёт» кафедраси мудири, PhD, доцент / Аликулов Азамат Тўйгунович, заведующий кафедрой «Экономики» Университета информационных технологий и управления, кандидат наук, доцент / Alikulov Azamat Tuygunovich, Head of the Department of Economics at the University of Information Technology and Management, PhD, Associate Professor

► azamat1441@mail.ru

■ 0000-0001-7717-3274

2. Гулльева Фаёза Бахром қизи Ахборот технологиялари ва менежмент университети магистранти / Гулльева Фаёза Бахром қизи, магистрант Университета информационных технологий и управления / Gullieva Fayoz Bakhrom kizi, master's student at the University of Information Technology and Management

► gulliyevafayoza@gmail.com

■ 0009-0009-3793-4660

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Shleifer A., Vishny R. A Survey of Corporate Governance. Journal of Finance, 1997.
2. Tuygunovich, A. A., & Islamovna, G. F. (2022). WHAT FACTORS INFLUENCE THE ACTIVITY OF RETAIL INVESTORS IN THE CAPITAL MARKET.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг капитал бозорини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.
4. Kruse D., Blasi J. Employee Ownership, Employee Attitudes, and Firm Performance. NBER Working Paper, 1997.
5. OECD. Employee Stock Ownership Plans (ESOPs) and Productivity. Paris, 2019.
6. Jensen M., Meckling W. Theory of the Firm: Managerial Behavior. Journal of Financial Economics, 1976.
7. World Bank. Capital Market Development and Financial Inclusion. Washington DC, 2020.
8. Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув кодекси.
9. European Commission. Employee Financial Participation in Companies. Brussels, 2018.